ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00427

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГОНИК БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР

Валишер Элмуродович Абиров
Тошкент давлат шарқшунослик университети таянч докторанти
valisher_abirov@list.ru

АННОТАЦИЯ

Этногоник манбалар маълум бир халқнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бой маълумотларни беради. Тарихий ўтмишларига оид ўзларининг ёзма далиллари кам бўлган халқларни ўрганиш ҳақида гап кетганда, этногониянинг илмий манбаси аҳамияти катта. Маълум бир халқ этногонияси ўша халқ тарихий-этнографик билимларининг ҳақиқий бойлигидир. Этногоник билимлар халқнинг маънавий маданиятининг бир қисми сифатида қимматли тарихий-этнографик тадқиқотларни талаб қилади. Ўзбек халқи тарихида асрлар давомида тўпланиб, сақланиб ёки оғзаки равишда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган манбалар кўплаб манбалар мавжуд. Ўзбек халқи этногониясини ривожлантиришга хизмат қиладиган манбалар билан шуғулланиш бугунги кун тадқиқотларида кам учрайди. Ўзбекларнинг қадимий қадриятлари, урф-одатлари улардаги бой маълумотларни ўрганиш, ёш авлодга етказиш долзарб вазифадир. Мазкур мақолада ўзбек халқининг этногоник манбалари, улар устида олиб борилган тадқиқотлар билан яқиндандан таништиради ва уларнинг бугунги фанда тутган ўрни масалаларини таҳлил қилади.

Калит сўзлар: ўзбек, этногония, этногенез, этник тарих, туркий халқлар, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, фолклор манбалар.

ON THE DEVELOPMENT OF ETHNOGONIC KNOWLEDGE OF THE UZBEK PEOPLE

Valisher Elmurodovich Abirov
Doctoral student of Tashkent State University of Oriental Studies
valisher_abirov@list.ru

ABSTRACT

Ethnogonic sources provide rich information about the origins of a particular nation. The scientific source of ethnography is of great importance when it comes to

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00427

the study of peoples whose historical evidence for their historical past is scarce. The ethnography of a particular people is the real wealth of historical and ethnographic knowledge of that nation. Ethnogonic knowledge requires valuable historical and ethnographic research as part of the spiritual culture of a nation. There are many sources in the history of the Uzbek people that have been collected, preserved or passed down orally from generation to generation over the centuries. Dealing with sources that serve the development of the ethnography of the Uzbek people is rare in today's research. It is important to study the ancient values and traditions of the Uzbek people and pass them on to the younger generation. This article introduces the ethnogonic sources of the Uzbek people, their research and analyzes their role in modern science.

Keywords: Uzbek, ethnogony, ethnogenesis, ethnic history, Turkic peoples, Monuments of Orkhon-Yenisey, folklore sources.

КИРИШ

Этнографлар томонидан ўрганилаётган халқ билимлари орасида халқнинг келиб чиқиши, этник таркиби ва этник тарихи билан боғлиқ бўлган ғоялар, концепциялар, қарашлар, фикрлар ва ёндашувлар катта илмий аҳамиятга эга. Халқнинг пайдо бўлишига оид ҳар қандай маълумотлар, уларнинг турли гуруҳлари, қабилалари шунингдек, йирик этник бирликлар ёки уюшмалар таркибига кирадиган кичикроқ бирликлари тўғрисида билимлар беради. Шартли равишда халқ этногонияси деб аталиб келган халқ билимлари соҳаси азалдан тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Ушбу соҳа нафақат халқ маънавий маданиятининг бир қисми сифатида, балки қимматли тарихий-этнографик манба сифатида ҳам муҳимдир, чунки ҳар бир халқ, қабила ва уруғ ҳар доим ўз келиб чиқиши, бошқа гуруҳлар билан қариндошлиги ва шажараси билан қизиқиб келган. Бу бўйича ўз ғояларига эга бўлиб, улар кўп асрлар давомида тўпланиб, сақланиб ёки оғзаки равишда авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўз-ўзидан маъмумки, бундай маълумотлар тадқиқотчига тарихий фактлар ишлаш билан бир қаторда бир-биридан ажратиш, қиёслаш ва таҳлил қилиш вазифасини юклайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбек халқи этногенези, этник тарихи ва этнографияси билан шуғулланган тарихчи, элшунос, манбашунос, археолог олимлар К.Ш.Шониёзов, А.А.Асқаров, Б.Аҳмедов, Исо Жабборов, О.Бўриев,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00427

М.Усмонов, Ў.Носиров, А.М.Маликов, М.Ш.Усмонов ва бошқа бир қатор маҳаллий тадқиқотчилар илмий изланишларида ўзбек халқи этногоник манбалари хусусида маълумотлар учрайди. Бироқ маҳаллий олимлар тадқиқотларида айнан ўзбек халқи этногонияси бевосита тадқиқ этилмайди. Унинг назарий масалалари, халқнинг келиб чиқиши ҳақида маълумот берувчи манба сифатида ўрганиш ёндашуви ишлаб чиқилмади. Рус ва инглиз тадқиқотчилари С.М.Абрамзон, Г.Н.Прокофьев, Р.Р.Галлямов, П.Голден ва бошқа тадқиқотчилар мақолаларида бу масалага эътибор чуқурроқ берилди.

Ушбу мақолада тарихийлик, хронологик, тарихий-қиёсий ва аналитик каби тарихий методлар ҳамда ҳаққонийлик тамойили асосида ёритилган бўлиб, ўзбек халқи этногоник манбалари улар устида олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг аҳамияти таҳлил қилинади.

НАТИЖАЛАР

Халқ этногонияси тарихий-этнографик билимларнинг ҳақиқий хазинасидир.[1] Улар халқнинг этник таркиби ва унинг ўзгариши, уруғ, қабилалар, кичик гуруҳ насабномалари, тарихий, ижтимоий ва этномаданий алоқалари тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларни акс эттиришда ёрдам беради. Тарихий ўтмишларига оид ёзма далиллари кам бўлган халқларни ўрганиш ҳақида гап кетганда, этногониянинг илмий аҳамияти жуда катта. Шунинг учун ўзбек халқнинг этник тарихи бўйича фольклор билимларини (этнонимияси, уруғлар ва қабилаларнинг келиб чиқиши ва бошқалар тўғрисида маълумотлар) тадқиқ этиш, этнографик маълумотларини саралаш ҳам ўзбек халқи этногоник билимларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид бугунги кунгача бир қатор тадқиқот ишлари нашр этилди. Ҳозиргача тарихчи, этнограф, археолог, антрополог, лингвист олимлар бу соҳада катта ишларини амалга ошириб, салмоқли ютуқларга эришдилар. Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда бир талай этно-археологик экспедициялар ўтказилди, илмий-тадқиқотлар олиб борилди, йирик монографиялар, ўқув қўлланма ва илмий тўпламлар, диссертациялар ҳамда катта-кичик мақолалар чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва оммавий ахборот ходимлари билан учрашувидан сўнг унинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асари нашр этилиб, бу асар тарих фани ривожида янгидан-янги илмий йўналишлар, тарихга муносабат масаласида янги қарашларнинг пайдо бўлишига асос бўлди. И.А.Каримов ўзбек

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00427

халқининг тарихий ўтмишини, унинг давлатчилиги тарихини ўрганишда ягона илмий концепциянинг йўқлиги хусусида сўз юритиб, тарихчи олимларни бу соҳага диққат-эътиборини янада кучайтиришга чақирди. Яна таъкидладики, “ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”. Тарихни ёритишда бирёқламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, “фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади”.[4] Ушбу учрашув тарихчи олимлар олдига тарихни янги ёнашув асосида тадқиқ этишни қўйиб берган эди. Натижада, XXI аср ўн беш йиллигида халқнинг келиб чиқиши ва этнографиясига оид кўплаб тадқиқотлар ёзилди.

Хориж тадқиқотларида туркий халқлар этногониясини талқин этувчи мақолалар мавжуд бўлиб, жумладан, Питер Голденнинг “Туркларнинг этногоник эртаклари”[2] мақоласида туркларнинг (552 йилдан 744 йилгача) Хитой сулоласи ва бошқа тарихий асарларида, кейинги расмий тарихларда (масалан, Тсзушу, Суишу, Бейши, Дзю) ёзилган мифлар асосида этногониясини ёритади. Уйғурлардан ажралиб чиққан Тибетнинг “шимолий халқлар” ҳақидаги масаланинг муҳокамаси ҳам киритилган. Мақолада турк хоқонлигига асос солган ва ҳукмрон қатламига айланган Ашина-Турк гуруҳига эътибор қаратиб, турли хил этник-лингвистик алоқаларга эга бўлган халқ сифатида кўрсатади.

Маҳмуд Кошғарий даврида туркларнинг келиб чиқиши ҳақидаги билимлар сусайган ёки бостирилган, исломий ва яҳудий (хазарлар) насабномалари билан алмаштирилган, фақат афсонавий туркий қаҳрамон Алп Ар Тонга ҳақида қисқа маълумотларга эга бўлган. Қорахонийлар давридаги асарларда, кўпинча Эрон урф-одатлари акс эттирилган. Турли хил туркий халқларни таърифлаш ҳақидаги эртакларида муқаддас тоғ, дарахт (ҳаёт), ғор (аждодлар) билан таниш бўлган “афсонавий қараш” мавжуд. Ашина-Турклар асли эртакларида у ёки бу шаклда қўшилган сув ва аёл ҳудо тимсолида гавдаланади. [2,317]

Г.Н.Прокофьевнинг “Об-Енисей ҳавзаси халқларининг этногонияси”[5] мақоласида Об-Енасой ҳавзасида яшаган халқларнинг этногонияси масаласини умумий маънода ёритиб берган.

2014 йил 19 декабрда Олмаота шаҳрида “XXI аср бошларида Евросиёни ўрганишда тарих фанининг янги ёндашувлари: Америка, Европа ва постсовет тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиш” Халқаро илмий давра суҳбати бўлиб ўтди. Ал-Фаробий номидаги Қозоқ Миллий университетининг тарих, археология ва этнология факультетида ташкил этилган давра суҳбатида Россия

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00427

Фанлар академияси, Уфа илмий маркази профессори Р.Р.Галлямов “Этногония как способ исследования этногенеза и ранний этнической истории тюркских народов Центральной Евразии”[6] маърузаси билан иштирок этди ва Марказий Евроосиё туркий халқларининг этногенези ва дастлабки этник тарихини ўрганиш усули ҳақида фикрларини баён этди.

МУҲОКАМА

Халқнинг этногониясини ифодалайдигана афсонавий мавзулар, тарихий ривоятлар, асотир ва мифларни маълум даражада, тарихий фольклор деб қаралиши мумкин. Аммо баъзида халқ этногонияси ҳақидаги материалларни фольклорга боғлаб, халқ ҳақидаги маълум этнографик билимлардан четлаб ўтилади, яъни тарихий факт сифатида қаралмайди.

Ўзбек фольклор асарлари ўзининг ҳаётийлиги, ижтимоий табиати, ғоявий моҳияти ҳамда ўзига хос бадиий хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқнинг машғулоти, урф-одати, турмуш шароити, орзу-истаги, кураш ва ғалабалари, унинг моҳияти ва ғоявий мазмуни акс эттирилади. Фольклор асарларининг халқчиллик хусусияти уларнинг ҳаётийлиги ва қайси бир дунёқарашни ҳимоя қилиши билан боғланган бўлади.

Халқ оғзаки ижодининг ўз ижодий методи мавжуд бўлиб, уни шартли равишда романтизм типидаги ижодий метод дейиш мумкин, чунки фольклор асарларида фантастика, бадиий уйдирмалар, ҳаётий асос бўлиши, йўғрилган хаёлий воқеа ва ҳодисалар ҳаётни тасвирлашнинг ўзига хос услуби сифатида намоён бўлади.

Туркий халқлар мифологиясида жамият тафаккурининг бадиий инъикоси ётади. “Авесто”нинг мифологик асосларидан, Ўрхун-Енасой битикларидаги фольклор мативлардан, қадимги туркий тарихий достон ва насрий асарлар “Ўғузнома”, “Китоби дадам Қўркут”, “Қутадғу билиг”, “Ҳибату-л-хақойиқ”, “Қиссаи Рабғузий”нинг фольклор анъаналаридан этногоник билимларни алоҳида олиб чиқиш, соҳага оид янги билимларни такомиллаштиради. Қаҳрамонлик афсоналари бўлган “Тўмарис” ва “Широқ”, тарихий воқеаларнинг изоҳланиши, расм-русумлар, географик номлар ифодаланган Қирққиз, Гулдурсун, Ҳазорасп, Далварзон тепа афсоналари, халқ достонлари: “Алпомиш”, “Гўр ўғли” достонлар туркуми, мақол ва маталлар, топишмоқлар, аския ва латифа, лоф ва оғзаки драмалар, халқ қўшиқлари (тарихий қўшиқлар), ўзбек маросим фольклорларини ҳам этнографик ғалвирдан ўтказиш, келажак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00427

авлодга халқнинг янги ва янгича ёндашув асосида ўрганилган этногоник билимларини беради.

Собиқ иттифоқ даврида ўзбекларнинг қадимий қадриятлари, урф-одатлари ва халқчил ғояларини акс эттирган, минглаб мисралари жилд-жилд китобларни ташкил этадиган фольклор асарларига замонасозлик синфийлик, партиявийлик нуқтайи назаридан баҳо берилди. Жумладан, халқимизнинг маънавий қаҳрамонига айланган Алпомиш образи ҳам қаттиқ танқид қилинди. Аниқроғи, унга туҳмат қилинди, таъна тошлари отилди. Бунга қадар достон аёвсиз танқид қилинганига қарамай, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1952 йил 21-22 февралдаги мафкуравий масалаларга бағишланган X пленумида “Алпомиш” достони “танқид қилинмаётгани ва унинг халққа қарши қаратилган зарарли характери очиб берилмаганлиги” таъкидланиб, бу – камчилик ва хато сифатида кўрсатилди.

1999 йил 6 ноябрдаги “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маъросимда И.А.Каримов сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек: ““Алпомиш” – ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир... Аслида, халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, “Алпомиш” ана шу достоннинг шоҳбайтидир. Бу мумтоз асарда тарихд тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигинини йўқотмаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган”.[3]

ХУЛОСА

Этногония соҳасидаги халқ билимлари ўтган ва қисман ҳозирда дунёнинг кўплаб этник жамоалари орасида кенг тарқалган. Қиёсий-тарихий таҳлиллар, этногоник манбалар халқнинг этник таркиби ва унинг ўзгариши, уруғлар, қабилалар ва насабномалари, тарихий, ижтимоий ва этник маданий алоқалар тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни акс эттиришини асослайди. Тарихий-этнографик тадқиқотлар учун туркийзабон ўзбек халқининг ўтмишидан бугунги кунигача, аждодлардан-авлодларга ўтиб, сақланиб келаётган тарихий-фольклор манбаларини тадқиқ этиш, ўзбек халқининг этногония соҳасидаги маълумотларини нафақат бойитади, балки халқнинг этногенези, этник тарихи, этнографиясига оид билимларни ривожлантиради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00427

REFERENCES

1. Абрамзон С.М., Потапов Л.П. Народная этногония как один из источников для изучения этнической и социальной истории (на материале тюркоязычных кочевников) // Советская этнография. – 1975. №6. – С. 28-41.
2. Golden, Peter B. "The Ethnogonic Tales of the Türks" in *The Medieval History Journal*, (August 2018). 21(2). 21 (2): 291–327.
3. Karimov I.A. «Alpomish» dostonining 1000 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimda so‘zlangan nutqi. «Xalq so‘zi» gazetasi. 1999 yil 9-noyabr.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Тошкент, 1999. – Б. 134.
5. Прокофьев Г.Н. Этногония народностей Обь-Енисейского бассейна (ненцев, нганасанов, энцев, селькупов, кетов, хантов и манси) // Советская этнография. 1940. Т. 3. С. 67-76.
6. Сабденова Г.Е. Международный научный Круглый стол «Новые подходы исторической науки в изучении Евразии в начале XXI века: сравнительный анализ американского, европейского и постсоветского опытов» (19 декабря 2014 г.). «Золотоордынское обозрение», № 2. 2015. С. 237-239.